**Турсунов Асрор Алланазарович**

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

# ҚОЗОҒИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАЛАРИНИНГ ЎЗАРО МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЎЗБЕКИСТОННИГ РОЛИ

**АННОТАЦИЯ:**Марказий Осиё нафақат географик ва геосиёсий, балки қадриятлари муштарак ягона маданий макондир. Кўп асрлик иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий алоқаларни замонавий шароитларда давом эттириб келаётган Марказий Осиё давлатлари мустақилликнинг илк кунлариданоқ ўзаро ҳамкорлик ва интеграциялашувни йўлга қўйишга катта аҳамият бериб келишмоқда.

**КАЛИТ СУЗЛАР:** прагматик, ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, тожик, туркман, конференциялар, қурултойлар.

“Мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади. Биз ўзимизнинг яқин қўшнимиз Қозоғистон билан очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содиқ қоламиз**[1, Б.17]**

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири Марказий Осиёдаги мустақил давлатлари билан бирга айниқса Қозоғистон Республикаси билан ҳамкорлик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган.

1993 йилнинг июль ойида Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасида 1994-2000 йилларда иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги битим имзоланди. 1994 йил 10 январда Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев ва Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримов ягона иқтисодий ҳудудни барпо этиш тўғрисида шартнома **[2, Б.116]** имзолаб, Марказий Осиё ҳамдўстлигига пойдевор қўйишди. Шунингдек, фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва спорт

соҳаларидаги ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар ҳам имзоланди.

Минтақада яшовчи ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, тожик, туркман ва бошқа барча халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашни кўзда тутиб Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримов 1995 йил 5 майда Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида “Туркистон – умумий уйимиз” ғоясини илгари сурган эди[3, Б.124]. Айнан шу ғоя остида 1995 йил 21-22 ноябрида “Туркистон” номи берилган Тошкентдаги концерт саройида Марказий Осиё давлатлари қаторида Қозоғистон Республикаси ҳам ўзининг миллий маданиятларини ўзаро ривожлантириш ва интеграциялаштиришга бағишланган конференцияда фаол қатнашди.

Мазкур анжуманнинг натижаси ўлароқ, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси ҳам ташкил этилди. Ушбу Ассамблеянинг фаолият юритишида Марказий Осиё халқларининг таниқли маданият, илм ва санъат арбоблари – Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов, Пўлат Хабибуллаев, Фазлиддин Ҳамроев, Абдулла Орипов, Абдуҳамид Самадов, Ўлмас Мирсаидов, Аслиддин Низомов, Тўлепберген Қаипбергенов, Абжемил Нурпеисов, Нурлан Оразалин, Мухтар Шаханов, Казат Акматов, Рустам Раҳманалиев ва бошқа атоқли ёзувчи, шоир, олим, рассом, санъаткор, режиссёрлар фаол иштирок этишди[4, Б. kun.uz].

Бежизга ушбу ғоя ташаббускори И.А. Каримов уни шундай баҳоламаган эди: “... Ўзбекистонда "Туркистон – умумий уйимиз" ҳаракати доирасида амалга оширилаётган этник сиёсат ўзининг йўналиши ва мазмунига кўра инсонпарвар, конструктив жараёндир. Чунки у минтақада миллатлараро тотувликка эришиш мақсадини кўзлайди. Шубҳасиз, бу сиёсат Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг асосий давлат стратегик ва миллий манфаатларига тўла-тўкис мос тушади. Зотан, "Туркистон" деганда азалдан фақат келиб чиқиши туркий бўлган халқларгина эмас, балки ўлканинг ҳамма аҳолиси назарда тутилади”[5, Б.77-78].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида минтақа давлатларини бирлаштириш зарурияти “Туркистон – умумий уйимиз” ғояси, “Ягона Туркистон” концепциясини ишлаб чиқишни ҳамда туркий тилли давлатлар саммитида фаол қатнашишни тақозо қилган бўлса, орадан салкам чорак асрдан зиёд давр ўтган бўлса ҳам,ҳанузгача мазкур ғоя ва концепциялар ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Чунончи, “Ягона Туркистон» концепцияси минтақадаги давлатларнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан бирлашувини кўзда тутади. Бизнинг илдизларимиз бир, муаммоларимиз ўхшаш, тақдиримиз ҳам бир хил. Бинобарин, бу вазиятдан бир томондан бир-биримизнинг ўтиш давридаги қийинчиликларимизни енгиллатиш учун, иккинчи томондан эса, можаролар эҳтимолининг олдини олиш учун Марказий Осиёдаги ҳар бир давлат манфаатини кўзлаб фойдаланиш оқилона иш бўлур эди”[6, Б.85].

Мустақилликдан сўнг Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик мобайнида маданият соҳасидаги алоқалар ҳам сезиларли даражада мустаҳкамланди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонда Қозоғистон маданияти кунлари ва аксинча, мазкур чегарадош давлатларда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиб келиш анъанаси йўлга қўйилган [7, Б.69-73]. Бу ҳам давлатлар ўртасидаги ҳар томонлама яқин алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, албатта. Хусусан, 1994 йил май ойида Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари муносабати билан ташкил этилган анжуманда Биринчи Президентимиз И.А. Каримов шундай деган эди: “...бу анжуманни «Қозоғистон кунлари» деб атадик, бирон бир соҳани устун қўймадик. Бунда маданият аҳли маданият аҳли билан, ижод аҳли ижод аҳли билан, илм-фан аҳли илм-фан аҳли билан, ишбилармонлар эса ишбилармонлар билан бевосита мулоқотга киришадилар. Бу учрашувлар чоғида турли соҳа вакиллари бир-бирлари билан фикр алмашадилар ва икки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий тараққиётига биргаликда ўз ҳиссаларини қўшиш учун замин яратадилар, деб ишонамиз”[8, Б. 105].

Марказий Осиё мамлакатларининг узвий интеграцияга интилишларининг асосий аҳамияти улардаги табиий ва хом-ашё ресурсларини, ишлаб чиқариш ва

илмий-техник потенциални ўзаро манфаатли ҳамкорлик принципларига кўра бирлаштиришдир.

Шу мақсадда 2017 йил 10-11 ноябр кунлари Самарқанд шаҳрида БМТ ҳомийлигида ўтказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференция энг муҳим тарихий воқеалардан бири бўлди. Бу билан Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев яна бир бор ўзининг фаол ташаббускор эканлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Президенти мазкур конференцияда сиёсатчилар ва экспертлар диққатини Марказий Осиёдаги аҳволга қаратиб, уни барқарор ва иқтисодий ривожланган минтақага айлантириш, минтақада тинчлик ва осойишталик ҳамда яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга доир муҳим ташаббуслар билан чиқди. 2017 йил сентябрда Ш.М. Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон ўзининг бугунги ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига урғу бераётганини таъкидлаб, шундай деган эди: “Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроса асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз”[9,Б. sputniknews-uz.].

Хуллас, Ўзбекистон ва Қозрғистон Республикаларининг интеграциялашувида энг аввало, минтақа давлатларининг умумий диний эътиқоди, маданияти, тарихи, урф-одатлари, тили, географик жойлашуви ва геосиёсий вазиятини эътиборга олган ҳолда маданий ҳамкорликни кучайтириш зарур. Менимча, бунинг учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак:

• минтақа халқларининг илмий ва маданий-маърифий салоҳиятини ошириш учун турли конференциялар, қурултойлар ўтказиб туриш;

• илм-фан ютуқларини ўзаро алмашиш учун минтақа олимлари ўртасида стажировкалар ташкиллаштириш ва илмий конференциялар уюштириш;

• қардош давлатларнинг маданияти кунларини тез-тез ўтказиб турилиш;

• давлатлардаги байналмилал маданий марказлар фаолиятини янада такомиллаштириш кабилар.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. “Ўзбекисон”. 2017. Том 1. Б.17
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг хабарномасии (пресс-бюллетень) №15. Б.116
3. Каримов И.А. Туркистон – умумий уйимиз. “Ўзбекистон”.1996. Б.124
4. Ўзбекистон *мадҳияси* муаллифи ҳаётининг кўпчиликка маълум бўлмаган лавҳалари // https://kun.uz/53463172

5.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари //Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. “Ўзбекистон”, 1997. Том 6. Б. 77-78.

6.Каримов И.А. Ислоҳотларимиз тамойиллари. “Российская газета” мухбирининг саволларига жавоблар // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. “Ўзбекистон”, 1997. – Б. 85
7.Зиямов Н. Некоторые аспекты культурного сотрудничества стран Центральной Азии // Ўзбекистон тарихи. 2002. №4. Б. 69- 73.
8.Каримов И.А. Тарихимиз ҳам, келажагимиз ҳам муштарак. Ўзбекистонда Қозоғистон кунларининг очилишига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган

нутқ. 1994 йил 23 май // Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т. 2. – “Ўзбекистон”. 1996. Б.105.

9.Ekspert Samarqanddagi xalqaro anjuman, mintaqadagi ahvol va 26 yil vaqt mobaynida tortilaverishi natijasida “uvadasi chiqqan ko‘rpa” borasidagi fikrlari bilano‘rtoqlashdi//https://sputniknewsuz.com/analytics/20171114/6811718/Markaziy-Osiyo-davlatlari-uchun-amaliy-ishga-otish-vaqti-keldi-siyosat-shunos-Qodirov.html.